2011 йил 19 январь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 13 (11.824)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

## МАҲСУЛОТГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Шу боис ҳам бу йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун давлатимиз томонидан янада қулай муҳит яратиш кўзда тутилган. Бу дегани, тадбиркорларга янги имкониятлар эшиги янада кенг очилади, иш самарасидан, улкан марралардан дарак беради.**

— Янги йилда катта мақсадларни амалга оширишни кўзлаб меҳнат қиляпмиз, — дейди «Апитекс» масъулияти чекланган жамияти бош директори ўринбосари Ваҳоб Абдураҳмонов. — Иқтисодиётни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратилмоқда. Ушбу омиллар корхоналар фаолиятини янада ривожлантириш билан бирга, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Сирасини айтганда, мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида бозор иқтисодиётига асосланган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Корхонамизда ҳам яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда фильтрланган ва электроҳимояли материаллар, махсус иш кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Йилдан йилга маҳсулот турларини кўпайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб бормоқдамиз. Бунда корхонамизнинг 85 нафар малакали, ўз касбига алоҳида меҳр қўйган ишчи-хизматчиларининг муносиб ҳиссасини таъкидламоқчиман. Энг муҳими, иқтисодиётимиз равнақидаги ҳиссамиз кўпайишига эришишни мақсад қилганмиз. Саъй-ҳаракатларимиз шунга яраша қатъий.

Президентимизнинг 2009 йил 27 январдаги «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги Қарори асосида «Апитекс» МЧЖ маҳаллийлаштириш дастурига киритилган бўлиб, шу йўналишда ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритган. Масалан, 2010 йилда аввалги йилга нисбатан 25 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Олинган соф даромад эса 4 миллиард сўмни ташкил этди. Жорий йилда қайд этилган дастур бўйича ишлаб чиқаришни 30 фоизга ошириш режаланган. Шартнома асосида етказиб берилаётган фильтрланган ва электр ҳимояланган материалларга талаб сезиларли даражада ортган.

Жамият маҳсулотларини республика бўйлаб кўплаб тармоқ соҳалари буюртма бўйича олишади. Ички бозордаги талаб катталиги билан бирга, маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратилиши боис мамлакатимиздан ташқарида ҳам ўз буюртмачиларига эга. Ҳар йили Қозоғистон, Россия, Туркманистон, Украина, Беларусь каби давлатларга корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 35-40 фоизи экспорт қилинмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган корхонада тикувчилик цехида тайёрланаётган мавсумий иш кийимлари ҳамда пахта ва пан матосидан тикилаётган иш қўлқоплари маркетинг бўлими етакчи мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари туфайли харидорини топмоқда.

Корхонада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу албатта, ишлаб чиқариш ҳажми ва қувватини ошириш, харидоргир маҳсулот турларини кўпайтириш, халқаро андозаларга мослашишда муҳим аҳамият касб этади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

**Италиянинг «La Nostra Gazzetta» ҳафтаномасида Президент Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасига бағишланган «Ўзбекистон Президенти демократик ислоҳотларни чуқурлаштирмоқда» сарлавҳали мақола чоп этилди.**

Эътироф

## «LA NOSTRA GAZZETTA»: «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРМОҚДА»

Унда Ўзбекистон Президенти давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини, айниқса, мамлакат парламентини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сургани қайд этилади.

Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон раҳбари илгари сурган Концепциянинг амалга оширилиши мамлакатда сиёсий партиялар ролини кучайтиришга, суд-ҳуқуқ тизими ҳамда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнининг жадаллашувига, оммавий ахборот воситалари таъсир кучини оширишга ва бозор ислоҳотлари ҳамда иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга олиб келади.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона ва узоқни кўзланган сиёсат давлат ҳокимияти тармоқларининг бўлинишини изчил равишда амалга оширишга, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми яратилишига ҳамда марказда ва жойларда ушбу органлар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилган.

Газета таҳририяти Ўзбекистон Президентининг ислоҳотлар муваффақияти, кўп жиҳатдан, амалга оширилаётган демократия ва либераллаштириш жараёнларининг суръатига, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигига, шунингдек, турли партияларнинг мамлакат тақдири ва келажагига нисбатан масъулиятни ўз зиммаларига олишларига нечоғли тайёр эканига боғлиқлиги хусусидаги сўзларини тўла қўллаб-қувватлайди.

Мақола сўнгида италиялик экспертлар ҳамда ушбу юрт кенг жамоатчилигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузаси юзасидан билдирган мулоҳазалари келтирилган. Уларнинг фикрича, Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ташаббуслар буюк истиқбол сари қўйилган муҳим қадам бўлиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг янги даврини бошлаб беради.

**«Жаҳон» АА.**
Рим

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида бўлиб ўтган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманда шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда депутатлар, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Юртимиздаги маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, бу борада самарали иш олиб бораётир.

Мамлакатимизда демократик сайлов тизимини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнида маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ҳам демократия ва муқобиллик асосида ўтмоқда. Бу эса «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Анжуманда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жамият ва давлат қурилишидаги иштирокини янада кенгайтиришга оид маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида «Маҳалла» жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият-тарғибот маркази, «Нуроний» жамғармаси туман бўлимлари ҳамкорлигида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган «Маҳаллангни ўзинг асра» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ташкил этилган ўқув-семинарда шаҳар корхоналари, ташкилотлари ва ўқув муассасалари оммавий кутубхоналари мудирлари қатнашдилар.

✓ **КЕЧА** Тошкент Фотолар уйида «Сиз билан фахрланаман» мавзусида Республика бадиий фото кўрик-танлови иштирокчиларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг минтақавий семинари бошланди.

● Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи томонидан 6 миллиард сўмлик маблағ эвазига ёш ишчилар учун 240 ўринли ётоқхона ва спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда корхона ходимларининг истиқомат қилиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

● Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Туман бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда ҳудуддаги саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари фаол иштирок этди. Ярмаркада 290 кишига ўзлари хоҳлаган ишларга жойлашиши учун йўлланмалар берилди.

● Самарқанд туманидаги «Стеклопласт» масъулияти чекланган жамиятида стадионлар ва спорт иншоотлари учун ўриндиқлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган, қиймати 210 минг АҚШ долларилик лойиҳа амалга оширилди. Корхонадаги бундай ўзгаришлар натижасида 43 та иш ўрни яратилиб, 250 миллион сўмлик фойда олинди.

● Пахтаобод туманининг Гулистон, Ҳақиқат ва Андижон мавзеларидаги бўш турган бинолар мукаммал таъмирдан чиқарилиб, замонавий қишлоқ врачлик пунктларига айлантирилди. Ушбу мақсадлар учун жами 140 миллион сўм сарфланди. Янги ҚВПлар замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

● Андижондаги «Булоқбоши кўҳинур» масъулияти чекланган жамиятида 12,5 минг АҚШ долларилик маблағ сарфланиши эвазига қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● «Сурхон-Термиз-Силк» корхонасида марғилонлик мутахассислар кўмагида адрас, атлас ҳамда ипак гиламлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, бу ерда матоларга ранг бериш технологияси ҳам ишга туширилди.

● Хоразм вилояти Қўшкўпир туманилик тадбиркор Эргаш Каримов пластик ҳамда алюминийдан эшик ва дераза ромлари тайёрлашга ихтисослаштирилган хусусий корхона фаолиятини йўлга қўйди. Банкнинг 30 миллион сўмлик кредитидан фойдаланиб, ташкил этилган ушбу корхона маҳсулотлари ички бозорда тезда харидорлар эътиборига тушди.

● Гулистон шаҳрида гилам ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «А.К.— carpet» корхонаси иш бошлади. Ҳозирда 22 та иш ўрни яратилган корхонада ойига 40 миллион сўмликдан зиёд гилам маҳсулотлари тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

### ЖАҲОНДА

● Тунис ҳукумати барча сиёсий партияларни тан олишга тайёрлигини билдирди.

● Кеча Португалияда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодиётдаги кескин ислоҳотларга қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди.

● Кеча Хитойдаги йирик нефтни қайта ишлаш заводида кучли портлаш юз берди.

● Япония маъмурлари Россия иқтисодий ҳудудида ноқонуний балиқ ови билан шуғуллангани учун тўртта фирмани лицензиядан маҳрум этди.

● Космик сайёҳларнинг Россиянинг «Союз» ҳаво кемаларидаги парвози 2013 йилдан бошлаб қайта тикланади. Ҳар йили Халқаро космик станцияга учтадан сайёҳ юборилади. Космосга саёҳат уюштирувчилар сонини «Союз» кемаларини ишлаб чиқариш кўпайтирилиши билан ошириш мумкин бўлади.

● Ўн беш кун давомида Аргентина-Чили-Аргентина йўналиши бўйича ташкил этилган «Дакар-2011» нуфузли халқаро автопойгаларида Россиянинг «КамАЗ-Мастер» жамоаси ғолиб чиқди.

● Сомалилик денгиз қароқчилари Даниянинг «Леопард» юк ташувчи кемасини олти нафар экипажи билан асирга олишди. Ҳозирча расмий Копенгаген тутқунлар хавфсизлигини кўзда тутиб, ҳеч қандай баёнот бермаган.

● Бразилияда 2010 йили қаҳва экспортида рекорд кўрсаткич қайд этилди. Жумладан, йил давомида 5 миллиард 660 миллион АҚШ доллари қийматига тенг қаҳва сотилган. Бу 2009 йилдагига нисбатан 33 фоизга кўп.

# ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**Сергели туман ҳокимлигида Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасига бағишланган тадбир ўтказилди.**

Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбирда маърузанинг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган концепция мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда янги даврни бошлаб берди. Унда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини такомиллаштириш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, иқтисодиётни янада либераллаштириш каби долзарб масалалар қамраб олинган. Уларнинг кўлами ва аҳамияти, мазмун-моҳиятини ёшларга атрофлича тушунтириш ушбу вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятига бевосита боғлиқ. Шу мақсадда Адлия вазирлиги томонидан ёшларнинг конституциявий билимини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш туйғусини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тадбирда мутахассислар концепция мазмун-моҳияти, унинг жамиятимизда, хусусан, ёшлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**





# МАКТАБЛАРДА БИЛИМЛАР СИНОВИ ЎТМОҚДА

**Айни кунларда барча умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг фанлар бўйича республика билимлар синови ўтказилмоқда. Маҳорат кўригининг биринчи босқичи таълим муассасасида, иккинчи босқичи туманда, учинчи босқичи вилоятда, тўртинчи босқичнинг эса республика миқёсида ўтиши белгиланган.**

Пойтахтимиздаги 22-мактабда ҳам 5-9-синф ўқувчиларининг билимлари синови давом этмоқда. Ўқувчиларнинг барча фанлар бўйича ўзлаштирган билимлари балл билан баҳоланмоқда.

— Ушбу синовни ўтказишдан мақсад, ўқувчиларнинг ижодий, мустақил фикрлаш қобилиятини ҳамда саводхонлигини оширишдан иборат, — дейди 22-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Гулбаҳор Зафарова. — Билимлар синовида саралаб олинган ўқувчилар синовнинг туман босқичида қатнашадилар. Мактабимизда бугунги кунда 1238 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Улар орасида фан олимпиадаларида муносиб ўринларни эгаллаб келаётган иқтидорли ўқувчилар талайгина. Азиза Каримова, Аҳрор Зиябоев, Норгул Эргашева, Дурдона Пўлатова, Фазлиддин Ҳайдаров шулар жумласидан.

Ўқув масканида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида таълим сифати ва самарадорлигига эришиш, ўқувчилар қалбида истиқлол ғояларига ҳурмат, она Ватанга садоқат туйғуларини сингдириш, улуғ боболонларимиз ижодини ўрганиш каби эзгу мақсадлар асосида фаолият олиб борилмоқда.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТЛАРДА: 22-мактабда билимлар синови қизғин ўтмоқда.**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**



## Тадбирлар

# ТАШАККУРНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Она-Ватан тинчлиги, ободлиги, эл фаровонлиги мард ва жасур ўғлонларнинг ўз постида сергак тургани, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек қўриқлаётгани шарофатидан. Зеро, ўз йигитлик бурчини шараф деб билган, юрт хизматига камарбаста ўғлонлар ҳамиша элимиз ардоғида эъзозлаб келинган.**

Куни кеча Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Асл миллий таомлар» кошонасида ўз йигитлик бурчини шараф билан ўтаётган ва бошқаларга ибрат бўлаётган аскар ўғлонларнинг оналари, ҳарбий хизматчилар, туман мудофаа бўлими ходимлари, маҳаллалар фаоллари иштирокида «Оналар қутлови» тадбири ўтказилди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан ҳар томонлама баркамол, Ватани, халқига муносиб фарзандларни тарбиялаган оналарни шарафлаш, улар кўнглида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиш, шу билан бирга ёшларга Ватан посбонининг ҳамиша эътибор ва иззат-ҳурматда эканини етказиш, каби бир қатор хайрли мақсадларни кўзладик, — деди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайёхон Пўлатова. — Токи вояга етаётган ҳар бир ватанпарвар, мард йигит-қиз юртни қўриқлаш муқаддас бурч эканини англаб етсин.

Фарзандларининг хизматни аъло даражада ўтаётгани, намунали хулқи ҳақида эшитиб, кўнгли қувончу шодликка тўлган Равшан Абдуллаевнинг онаси Муҳаббат Ядигарова, Ғиёсжон Маҳкамовнинг онаси Маърупа Маҳкамова, Абдувоҳид Ориповнинг онаси Умида Ориповалар барча оналар номидан сўз олиб, ўз миннатдорчиликлари ва эзгу тилакларини билдирдилар.

Барча қатнашчилар кўнглида бир олам қувонч уйғотган ушбу тадбирда онахонларга туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан совға-саломлар, ташаккурномалар топширилди.

Тадбир давомида эл суйган санъаткорлар ижросида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар барчага манзур бўлиб, унутилмас таассурот қолдирди.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

**СУРАТДА: «Оналар қутлови» тадбиридан лавҳа**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

## Тиббиёт

# ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШ

**Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 15 йилдан буён «Воҳидов ўқишлари» давом этиб келмоқда. Бу йирик илм-фан соҳиби номи билан уюштирилаётган илмий анжуманлар ўз мавқе ва моҳияти билан аҳамиятлидир.**

Тиббиёт фани ривожига муносиб ҳисса қўшган олим В.Воҳидов ўзбек жарроҳлик мактабининг асосчиларидан биридир.

Эндовизуал жарроҳликнинг масалалари атоқли олим тадқиқотларида асослаб берилган. Бу муаммони ижобий ҳал этиш йўллари ҳам ўз назарий ечимини топган. Айтиш жоизки, эндовизуал жарроҳлик эндоскопия ёрдамида амалга оширилади. Қизилўнгач, ошқозон, ичак, нафас олиш йўллари, кўкрак ва қорин бўшлиғини текширишнинг замонавий техник усули бугунги кунда қатор йўналишларни ўз ичига олади.

Жарроҳлик илмий маркази ташкил этилгач, унда эндоскопия кенг кўламда қўллана бошланди. Марказ томонидан кўчма тарзда ҳам жойларда зарур муолажалар ўтказиб келинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 260 дан ортиқ тиббий муассасада эндоскопия хизмати ташкил этилган. Уларда 300 нафардан ортиқ мутахассис фаолият кўрсатиб, эндоскопия текширувларини ўтказмоқда.

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАБ

**Соғлом турмуш тарзи ва овқатланиш маданиятига етарли риоя қилмаслик, кам ҳаракатлилик, ичкиликбозлик каби иллатлар сабабли турли хасталиклар келиб чиқади.**

Тошкентда ўтказилган «Сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилигини даволаш»га бағишланган илмий-амалий конферецияда хирургик даволаш усулларига бағишланган маърузалар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққанлар орасида Россия тиббиёт академиясининг ёш олимлари ҳам бор эди. Анжуман тавсиялари тўплам қилиб чоп этилди.

## Маънавият

# ТИЗИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон ҳукумати билан Корея Республикаси ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик турли соҳаларда амалга оширилмоқда. Бунда «Ўзбекистон илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонасини яратиш» бўйича тайёрланган лойиҳа ҳам муҳим аҳамият касб этади.**

Мазкур лойиҳа доирасида Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан ҳам қатор хайрли тадбирлар кўрилмоқда. Ушбу соҳага хориж сармояларининг жалб этилаётгани ўз ижобий натижасини бераётганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Тошкент ахборот-кутубхона марказининг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар шулар жумласидандир. Марказ негизида илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси яратилганлиги нур устига аъло нур бўлди.

Ушбу лойиҳа учун Корея Республикаси ҳукумати гранти асосида икки миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя жалб қилинганлиги қувончли ҳол деб эътироф этилди.

Республика ахборот-кутубхона марказидан олинган маълумотга кўра, мамлакатимизда ахборот-кутубхона тизимини ривожлантириш йўлида қатор хайрли ишлар қилинмоқда.

Меъёрий-ҳуқуқий асосни яратиш мақсадида 55 та давлатлараро стандартлар ўзбек тилига ўгирилди. Айни вақтда миллий андозалардан иккитаси ишлаб чиқилди.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, республикамизда салкам 5 миллион фондга эга бўлган 14 та ҳудудий ахборот-кутубхона маркази фаолият юритмоқда. Улардан оқилона фойдаланиш мақсадида реконструкция ишлари олиб борилиб, янги хизматлар жорий қилинмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 09.11.2009 йилдаги № 1-4067/09-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар О.Зокиров кўчаси, 63-уй «Имкон» кредит уюшмаси ҳовлисида сақланаётган 1995 йилда и/ч дав.бел. 30 M 5485 бўлган «ДЭУ СИЕЛО» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 000 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 10.05.2010 йилдаги № 5731/22-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, 5-Аҳил кўчасида жойлашган ер майдони 256,0 кв. ум. фойдаланиш майдони 246,23 кв.м. ва яшаш майдони 119,77 кв.м. яшаш хоналар сони 5 тадан иборат бўлган 26-уй (хонадон ҳовли) қўйилмоқда, бош. нархи – 250 000 000 сўм. 1.Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 12.12.2009 йилдаги № 326/09-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, 1-тор Муқимий кўчаси 13-уйда жойлашган бинонинг умумий майдони 924 кв.м. ва умумий ер майдони 930 кв.м., қаватлар майдони 1-қавати 516 кв.м., 2-қавати 342 кв.м. дан иборат бўлган 2 қаватли маъмурий бино (офис) қўйилмоқда, бош. нархи – 372 326 268 сўм. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 09.11.2009 йилдаги № 1-4067/09-сон ижро варақасига асосан «Эркин» жарима майдончасида сақланаётган 1999 йилда и/ч дав.бел. 10 Q 0019 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 000 000 сўм.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан 10.12.2009 йилдаги № А40-18780/09-13-110-сон ижро варақасига асосан «Avtosankomplekt»МЧЖ ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.2001 йилда и/ч дав.бел. 10 AV 192 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 32 094 855 сўм, 2.2001 йилда и/ч дав.бел. 10 AV 195 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 30 832 425 сўм, 3.2001 йилда и/ч дав.бел. 10 AV 196 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 32 046 300 сўм, 4.2003 йилда и/ч дав.бел. 10 AT 220 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 22 480 965 сўм, 5.2001 йилда и/ч дав.бел. 10 AV 194 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 27 967 680 сўм, 6.2001 йилда и/ч дав.бел. 10 AV 186 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 32 531 850 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг **17 февраль** куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Автотранспорт ва кўчмас мулк воситалари сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 10 март куни бўлиб ўтади.

**2011 йил 3 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:**

1. Тошкент тумани СИБ томонидан 11.03.2010 йилдаги № 1397-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Шамсиддин Раҳмон Бизнес» омборхонасида сақланаётган 1972 йилда и/ч. дав.бел. 11 Q 01-62, бўлган «ГАЗ-24» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 710 199 сўм. 2. 12.03.2010 йилдаги № 5-166-сон ижро варақасига асосан 1974 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 11 U 08-03, бўлган «Газ-24» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 663 390 сўм, 3. 05.04.2010 йилдаги № 939-сон ижро варақасига асосан и/ч. йили ва дав.бел. номаълум бўлган «Уаз-469» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи - 589 046 сўм. 4. 04.11.2009 йилдаги № 1-362-сон ижро варақасига асосан 1990 йилда и/ч. дав.бел. X 269 ASN бўлган «КАМАЗ 5410» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 21 004 312 сўм. 5. 02.04.2010 йилдаги № 928-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Шамсиддин Раҳмон Бизнес» омборхонасида сақланаётган 1993 йилда и/ч. дав.бел. S 466 EFM бўлган «Даевоо-Эсперо» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 4 592 632 сўм. 6.09.06.2010 йил. № 6749-сон ижро ҳужжат. асосан 1990 йилда иш.чиқ. дав.бел. 11 L 6283 бўлган «ИЖ-21251010» русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 179 238 сўм, 7. 09.07.2010 йил. № 7332-сон ижро ҳужжат. асосан 2000 йилда иш.чиқ. дав.-бел. 11 В 6234 бўлган «Газ-3110» русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи – 6 105 190 сўм, 8.15.06.2010 йил. № 6843-сон ижро ҳужжат. асосан 1976 йилда иш.чиқ. дав.бел. 01 Q 068 CA бўлган «Ваз-2106» русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 692 961 сўм., 9.02.07.2010 йил. № 7340-сон ижро ҳужжат. асосан 1978 йилда иш.чиқ. дав.бел. 11 Y 0567 бўлган «Ваз-21011» русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 336 067 сўм, 10.02.06.2010 йил. № 7335-сон ижро ҳужжат. асосан иш. чиқ. йили номаълум дав.бел. 11 D 8782 бўлган «Камаз-5312» русум. автотранспорт воситаси, бош. нархи – 16 491 461 сўм. 11.12.08.2010 йилдаги № 8563-сон ижро ҳужжатига асосан и/ч. йили номаълум бўлган «Камаз 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 24 285 439 сўм. 12. 12.08.2010 йилдаги № 8559-сон ижро ҳужжатига асосан 1976 йилда и/ч. дав.бел. 10 T 3707 бўлган «М-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи –863 804 сўм. 13. 18.08.2010 йилдаги № 8656-сон ижро ҳужжатига асосан 1981 йилда и/ч. дав.бел. 10 H 924 AA бўлган «УАЗ-452 В» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 262 300 сўм. 14. 18.08.2010 йилдаги № 8676-сон ижро ҳужжатига асосан и/ч. йили номаълум дав.бел. 10 D 7845 бўлган «Уаз-452» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 363 115 сўм. 15. 18.07.2010 йилдаги № 7364-сон ижро ҳужжатига асосан 1973 йилда и/ч. дав.бел. 11 O 11-85 бўлган «М-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 894 327 сўм. 16. 19.07.2010 йилдаги № 7440-сон ижро ҳужжатига асосан и/ч. йили номаълум бўлган давлат рақами номаълум «Урал-М-6736» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 144 000 сўм. Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Бекобод тумани Ёшлик ХХСК майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.13.05.2010 йилдаги № 5801-сон ижро ҳужжатига асосан 1984 йилда и/ч. дав.бел. 10 O 9969 бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 271 696 сўм. 2. 13.05.2010 йилдаги № 5800-сон ижро ҳужжатига асосан 1985 йилда и/ч дав.бел. 10 F 952 AA бўлган «Камаз 5320» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 713 640 сўм. 3.13.05.2010 йилдаги № 5802-сон ижро ҳужжатига асосан 1995 йилда и/ч дав.бел. 12 F 8358 бўлган «Газ 31029» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 2 494 748 сўм. 4. 13.05.2010 йилдаги № 5799-сон ижро ҳужжатига асосан 1982 йилда и/ч. д/р. 11 P 7315 бўлган «Камаз 5320» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 556 444 сўм. 5. 25.06.2009 йилдаги № 3035-сон ижро ҳужжатига асосан 1986 йилда и/ч дав.бел. 11 Q 1861 бўлган «Камаз 53212» русумли автотр. воситаси, бош. нархи – 19 240 763 сўм. 6. 25.06.2009 йилдаги № 3036-сон ижро ҳужжатига асосан 1989 йилда и/ч. дав.бел. 11 A 8260 бўлган «Камаз» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 20 728 474 сўм.

Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази ашёлар сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 14.09.2009 йилдаги № 1-674 сон ижро варақ. асосан 1963 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 11 K 2070 бўлган «М21УС» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 3 884 025 сўм. 2. 04.03.2010 йилдаги № 2-040 сон ижро варақ. асосан 2007 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 01 T 592 DA бўлган «Ниссан алтима» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 38 381 850 сўм. 3. 23.07.2009 йилдаги №1-332 сон ижро варақ. асосан ишлаб чиқ. номаълум дав.бел. 10 A 0572 бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 9 218 187 сўм. 4.02.06.2010 йилдаги №1-439-сон ижро варақ. асосан 2007 йилда и/ч. дав.бел. P 704-CE86, бўлган «Тойота авансис» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 31 492 800 сўм, 5.16.02.2010 йилдаги №1-45-сон ижро варақ. асосан 1987 йилда и/ч. дав.бел. 30 I 1541, бўлган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 493 065 сўм.

Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Нукус кўчаси 23 а-уйда жойлашган жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 02.06.2010 йилдаги № 10-1009/3490-сон ижро ҳужжат. асосан 2007 йилда и/ч. дав.бел. 10 BG 461 бўлган «Газ-3302-14» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 22 000 000 сўм. 2. 02.06.2010 йилдаги № 10-1009/3490-сон ижро ҳужжат. асосан 2008 йилда и/ч. дав.бел. 10 BF 625 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 16 000 000 сўм. 3. 02.06.2010 йилдаги № 10-1009/3490-сон ижро ҳужжат. асосан 2007 йилда и/ч. дав.бел. 10 BF 624 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 000 000 сўм. Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан 02.06.2010 йилдаги 10-1016/9323-сон ижро ҳужжатига асосан майдони 570,7 кв.м. бўлган Тошкент вилояти Зангиота тумани Туркистон қ.ф.й, Алимота кўчаси, 43-уйда жойлашган бино қўйилмоқда, бош. нархи – 100 000 000 сўм.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан 10.12.2009 йилдаги № А40-18780/09-13-110-сон ижро варақасига асосан «Avtosankomplekt» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.2003 йилда и/ч дав.бел. 01 486 CAA бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 22 374 144 сўм, 2.2003 йилда и/ч дав.бел. 10 AT 214 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 18 759 687 сўм. 3.2003 йилда и/ч дав.бел. 10 BB 052 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 35 231 290 сўм, 4.2003 йилда и/ч дав.бел. 10 AT 230 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 20 276 568 сўм, 5.2003 йилда и/ч дав.бел. 10 BB 049 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 35 231 290 сўм. 6.2003 йилда и/ч дав.бел. 10 AT 223 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 22 854 838 сўм. 7.2004 йилда и/ч дав.бел. 10 BB 164 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 32 949 423 сўм. 8.2001 йилда и/ч дав.бел. 10 AV 188 бўлган «Мидибус «Отайўл» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 20 457 366 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: DB 001 №000003





## Мусобақалар

# ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ИҚТИДОРЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

**Куни кеча Учтепа туманидаги 194-мактабда маънавий-маърифий тадбир ва қизиқарли спорт мусобақалари бўлиб ўтди.**

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари иштирок этган ушбу тадбирда ўқувчи-ёшлар ўз билим ва маҳоратлари, иқтидор ва имкониятларини намойиш этишди. Айниқса спортнинг кикбоксинг, енгил атлетика, сузиш ва бадиий гимнастика турлари бўйича Ҳожиакбар Қодирохунов, Егор Болотов ва Диана Рижина, «Қўл жанги» тўгараги аъзолари ҳамда ёш гимнастикачилар Саша Панкова, Диана Орехиналарнинг чиқишлари барчага манзур бўлди. Ёш спортчилар устоз-мураббийлари меҳнати, ўгити беиз кетмаётгани, спортнинг севган тури билан астойдил шуғулланаётганларини кўрсатдилар.

Мактаб бадиий ҳаваскорлик жамоаси, «Импульс» ансамбли ижросидаги шеър, қўшиқ ва рақслар тадбирга янада файз, кўтаринкилик бағишлади. Тадбир якунида фахрийларга эсдалик совғалари топширилиб, эзгу тилаклар билдирилди.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

**СУРАТЛАРДА: 194-мактабда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар**
**Алексей Попов олган суратлар**

## Спорт янгиликлари

# РИШОД — ЯНА ШОҲСУПАДА!

**Дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров янги мавсумдаги дастлабки ғалабасига эришди.**

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган «Мастерс» туркумига кирувчи халқаро турнирда қирқдан зиёд мамлакатдан келган икки юз нафардан ортиқ спортчи куч синашди. Мусобақаларда жаҳон рейтингида ўз вазн тоифаси бўйича юқори ўринларни эгаллаб турган дзюдочилар 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи рейтинг очколари учун курашди.

Амалдаги жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби ва дунё рейтингида пешқадамлик қилаётган ҳамюртимиз Ришод Собиров яна бир карра ўз маҳоратини намойиш қилди. Моҳир дзюдочимиз мўғулистонлик Ганбат Богдбаатар, грузиялик Амиран Папинашвили ва россиялик Беслан Мудрановни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Ришод ҳал қилувчи беллашувда ҳам россиялик Арсен Галстян устидан зафар қучди ва олтин медални қўлга киритди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# БОЛАЛАР ШАХМАТ ФЕСТИВАЛИ

**Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамкорлигида Болалар шахмат фестивали ўтказилди. Мусобақада пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидан тўрт ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган икки юз нафарга яқин ўғил-қиз ўзаро баҳслашди.**

Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом инсонлар этиб тарбиялаш жараёнида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан болаларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш йўлида амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар ҳам айни шу эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Фестивалдан кўзланган мақсад – ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, шахматга қизиқувчи болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

Тўққиз турда ўтказилган беллашувда Алишер Бекмуродов, Жаҳонгир Турсунов, Феруза Муҳаммадкаримова, Зайнаб Усмонова биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# МАҲОРАТ ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИ

**...Ҳар сафар нуфузли мусобақалардаги ғалабамдан сўнг давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида, спортчи ва ҳарбий сифатида она Ўзбекистонимиз фарзанди бўлганимдан фахр-ифтихор туйғулари қалбимда жўш уради.**

Бу – икки карра жаҳон чемпиони, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби аъзоси, лейтенант Аббос Атоевнинг сўзлари.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида миллий армиямиз сафларида ҳар томонлама соғлом, чуқур билимга эга йигитлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу жараёнда фаол иштирок этаётган Марказий ҳарбий спорт клуби юксак салоҳиятли ва истеъдодли, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир ҳарбий спортчиларни тарбиялайдиган маҳорат ва жасорат мактабларидан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 19 мартдаги фармонига биноан ташкил этилган мазкур ҳарбий спорт клуби Қуролли Кучларимиз сафини жисмонан ва маънан соғлом ёшлар билан тўлдириш, ҳарбийларимизни спортга кенг жалб этиш, миллий терма жамоаларимиз таркибини маҳоратли спортчилар ва малакали мураббийлар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётир.

– Клубимизда спортчиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлигини мустаҳкамлаш билан бирга, уларни иродали, матонатли, мард ва жасур этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига МҲСК ўқув-услубий ва спорт бўлими бошлиғи, подполковник Ражаб Маҳмудов. – Жисмоний ва маънавий етуклик жаҳон спорт майдонларидаги юқори натижаларимиз омили бўлмоқда.

Айни пайтда мазкур клубда 700 нафардан зиёд спортчи дзюдо, бокс, кураш, енгил атлетика каби 15 спорт тури бўйича шуғулланмоқда. Машғулотлар ихтисослашган ва замонавий спорт мажмуаларида, Тошкент вилоятидаги байдарка ва каноэ, ўқ отиш ўқув-машғулот базаларида олиб борилади. Бу ерда спортчилар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган, 48 нафар юқори малакали мураббий ёшларга спорт сирларини кунт билан ўргатмоқда.

Мазкур ҳарбий спорт клубининг 364 нафар спортчиси ўз йўналиши бўйича миллий терма жамоаларимизга қабул қилинган. Ҳарбий спортчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Доимий ташкил этилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ва спорт мусобақалари бунда ўзига хос маҳорат дарслари бўлмоқда.

Ана шундай кучли жисмоний тайёргарлик ва юксак маънавий мезонлар асосида тарбияланаётган ҳарбий спорт клуби аъзолари 2010 йилда кўплаб халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида МҲСК аъзолари – Элшод Расулов, Ришод Собиров, Вячеслав Горн, Герасим Кочнев, Алексей Бобожонов ва Юлия Тарасова олтин медални қўлга киритди. Яна етти нафар спортчи кумуш, саккиз нафари бронза медаль билан тақдирланди. Улар, шунингдек, Халқаро ҳарбий спорт кенгаши (CISM) томонидан ҳарбий хизматчилар ўртасида қатор спорт турлари бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатлари ва ҳарбий спорт ўйинларида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

Айни кунларда ҳарбий спортчиларимиз 2012 йили Лондон шаҳрида бўладиган Олимпия ўйинларига мамлакатимиз миллий терма жамоалари таркибида пухта ҳозирлик кўраётир.

**Байрам АЙТМУРОДОВ**

## Қатралар

# «НИМАНГГА МАҒРУРЛАНАСАН?»

Меҳнатсиз топган дунёинг учун бахтлиман, дея мағрур тутасан ўзингни. Биламан, бойлигим камлигидан оёқ учида кўрасан мени.

— Ўзингни баланд тутиб шайтон васвасасига учаётганингга ачинаман.

Мен пешона терим билан тирикчилик бешигини тебратаман. Топганим сеникидан оз бўлса ҳам яхши амалларга сарфланиб, икки дунёим пойдеворига мармар тошдек қотишини фақат Аллоҳдан сўрайман.

Сенга ўхшаб кимнингдир кўнгли учун кулмайман ё йиғламайман. Фойдаси тегиб қолар деб, мансабпарастнинг этагини тутмайман. Ўз виждоним амри билан ҳалолидан топиб, бировдан олдин, бировдан кейин яшаётганимдан мағрурман. Буни билиб ё билмай «Нимангга мағрурланасан?» деганинг қизиқ.

# МИННАТ — ИЛЛАТ

Бир йигит уй қуриш касбини эгаллагач, унда яна бир ҳунарни ўрганиш иштиёқи туғилди. Бироқ маблағининг камлиги иштиёқига ғов-тўсиқ эди. Бундан хабардор бўлган бир пулдор:

— Мен сенга пул бераман. Қарзгамас, пийсабилло, — деди унга. Ва қўшимча қилди: — Берганим савоб бўлса, ҳунар ўрганганинг сенга фойда, тўғрими?

Йигит пулдорнинг кимга ёрдам берса унинг орқасидан «Ҳа, уми, менинг ёрдамим билан одам бўлган...» дея мақтаниб юриши қулоғига кўп чалинганини ўйлаб мулоҳаза қилди:

— Кечирасиз, гапингиз бир томондан тўғри, пулингизни олардим-у, ортимдан мақтаниб юришингиз ёмон. Биринчидан, сиз савобдан қуруқ қоласиз. Иккинчидан, мен бошимни эгиб юраман. Миннатли ош егандан, бошимни кўтариб, шўрва ичганим яхши эмасми?

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ТИЛ, ЯХШИ СЎЗ ВА ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

**Тилга ихтиёрсиз —**
**Элга эътиборсиз.**

**Тил — суяксиз.**

**Тоза қалбда доғ бўлмас.**

**Хайрли ишдан қайтма!**

**Чин сўз — мўътабар,**
**Яхши сўз — мухтасар.**

**Ширин сўз шакардан ширин.**

**Яхши билан бўлсанг йўлдош,**
**Оғир ишингга қўлдош.**
**Ёмонга бўлсанг йўлдош,**
**Тегар бошингга оғир тош.**

**Яхши билан юрсанг,**
**етарсан муродга,**
**Ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга.**

**Яхши билан ўйнасанг, кунда бозор,**
**Ёмон билан ўйнасанг, кўнглинг озор.**

**Яхши билан ўртоқ бўлсанг,**
**Яхши йўлга бошлайди.**
**Ёмон билан ўртоқ бўлсанг,**
**Бор-йўғингни қашлайди.**

**Яхши бўлсанг, яшарсан,**
**Насибангни ошарсан.**

**Яхшига айтсанг, уқар,**
**Ёмонга айтсанг, қулар.**

**Яхшига ипак улашур,**
**Ёмонга — тикон.**

**Яхши гап билан илон инидан чиқар.**

**Яхшига қора юқмас,**
**Ёмонга эл боқмас.**

**Яхшида гина бўлмас,**
**Ёмондан гина кетмас.**

**Яхшидан боғ қолар,**
**Ёмондан доғ қолар.**

**Яхшидан — вафо,**
**Ёмондан — жафо.**

**Яхшидан — шарофат,**
**Ёмондан — касофат.**

**Яхши йигит даврaнинг боши.**

**Яхши кийим — танга оройиш,**
**Яхши киши — жонга оройиш.**

**Яхши кўз мардни**
**номарддан ажратар,**
**Яхшини — ёмондан.**

**(Давоми бор)**




*Тошкент шаҳрида **20 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича — ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси — 0-5 даража совуқ, кундузи — 3-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **20 январь** куни Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз ёғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда. Ифлосланиш тагмиқдори паст бўлади.*

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Радиотехника касб-ҳунар коллежи ўз ошхонасини ижарага бериш учун
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
Манзил: Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 9-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 222-87-90, 223-10-72

«O`rikzor ixtisoslashgan bozori» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 301543613) 2010 йил якунларига кўра молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотларига кўрик асосида
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Мурожаат учун телефонлар:
299-22-84, 299-22-83, 299-22-63.

**«Республика Кўчмас мулк биржаси»**
**ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**
**I. Аукцион савдосига такроран Юнусобод тумани СИБ томонидан,** ФИБ Тошкент шаҳар М.Улуғбек туманлараро судининг 23.06.2010 йилдаги 20080/81-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-сонли жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт ва техникалар қўйилмоқда: **1.** "Камаз-5410" русумли, д/р 30Z3762 бўлган, 1983 йилда и/ч юк автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 047 876,30 сўм. **2.** "ТМ 11М/1-20" русумли, д/р 10I494 бўлган, 1990 йилда и/ч тиркама ва яримтиркама. Бошланғич баҳоси – 15 391 252,80 сўм.
**Аукцион савдоси 2011 йил 8 февраль куни соат 11.00да бўлиб ўтади.**
Савдога қўйилган автотранспорт ва техникалар билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4828 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Буюртма Г- 106

Топширилган вақти: 14.55